



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (12.927)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 июнь кун Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги кўллаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ўзбекистон Президенти ва халқига Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг самимий саломи ва ҳурмат-эҳтиромини изҳор этди ҳамда Туркменистон раҳбарияти ўзaro алоқаларни мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узок мuddатли манфаатларига мос равишда янада юксак босқичга кўтаришга тайёр эканини билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги серкирра муносабатлар бугун изчил ривожланаётгани, бу ҳамкорлик барқарорлиги ва самарадорлиги билан муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзбек ва туркман халқларининг кўп асрлик умумий тарихи, муштарак маънавий ва маданий қадриятлари, яқин қўшилиқ, ўзaro ҳурмат таъминлаши асосида муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда қўшма саъй-ҳаракатлар билан эришилаётган натижа-

лар ўзaro манфаатли шерикликни ишончли тарзда ва изчил мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзaro товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсиб бормоқда. 2014 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич 410 миллион АҚШ долларидан ошди, ўсиш суръати 16,6 фоизни ташкил этди.

Мамлакатларимиз қатор глобал ва минтақавий тузилмалар доирасида халқaro майдонда ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Туркменистон Ўзбекистоннинг Оролни кўтариш халқaro жамғармасига амалдаги раислигини, шу жумладан, «Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат дастури»нинг учинчи босқичи ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида қабул қилинган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Орол бўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» амалга оширилишини кўллаб-қувватлайди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқaro ва минтақавий аҳамиятга молик бошқа масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Тошкент давлат юридик университетида АҚШ Федерал суд маркази директори Жереми Фогель раҳбарлигидаги ҳуқуқшунослар делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

АМЕРИКАЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Учрашувда Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш, соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, мутахассислар касб маҳоратини оширишга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институтига университет мақоми берилди ва шу тариха мамлакатимизда юридик таълим тизими асосларини тубдан ислох қилишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Айни пайтда соҳанинг моддий-техник база-

сини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаетир. Бугун мамлакатимиздаги замонавий олий ўқув юртиларидан бири бўлган Тошкент давлат юридик университетида ўқитиш жараёни халқaro талабларга тўла мос келади. Таълим жараёни назария ва амалиёт билан уйғунлаштирилиб, унда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Айни пайтда университетнинг ахборот-ресурс марказида қарийб 240 мингта адабиёт мавжуд бўлиб, унинг 16 мингга электрон шаклдаги дарслик ва қўлланмалардир.

Университетда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илгор педагогика технологияларини қўллаш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Ўқитиш самарадорли-

гини ошириш мақсадида ўқув жараёнининг модел тизими жорий қилинди.

Олий ўқув юртида халқaro алоқаларни ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижий мамлакатлардаги таълим муассасаларида малака оширишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Хитой, Франция, Япония, Болгария ва МДХ давлатларининг юридик университетлари билан ҳамкорликда таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳалари самарали амалга оширилмоқда.

Меҳмонлар мамлакатимизда юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш учун қулай шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган самарали чора-тадбирларни юксак баҳолади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Битирувчи — 2015

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР КАСБ ТАНЛАМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллаши учун яратилаётган барча шарт-шароит замон талабларига мос, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган ижтимоий дастурлар, лойиҳалар бунда имкониятлар эшигини очмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган «Очиқ эшиклар кун»и тadbририда бу алоҳида эътироф этилди.

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, битирувчилар, уларнинг ота-оналари институт ўқув биноси, замонавий техник имкониятлар, санъатнинг турли йўналишларига хос воситалар билан таъминланган ихтисослаштирилган ўқув хоналари, кафедралар фаолияти, яратилган шароитлар ва ижодхоналар билан яқиндан танишди. Уларга ахборот-ресурс маркази, ётоқхона, спорт иншоотлари ва талабалар учун яратилган барча қулайликлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 4 июндаги «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида фаолият юритаётган ушбу муассаса маданият ва санъат соҳасида етук малакали кадрлар тайёрлашда таянч маскан ҳисобланади. Мазкур даргоҳда касбий-педагогик таълим, халқ ижодиёти, актёрлик санъати, режиссёрлик, театр санъати, кино, телевидение ва радио, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш, маданият ва санъат соҳаси менеж-

менти ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

— Тадбирда институтдаги имкониятлар билан танишиб, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик, — дейди Тошкент маданият коллежи ўқувчиси Ш.Эгамбердиев. — Ушбу тadbрига келиб, талабалар ижоди, мазкур муассасанинг ўқув театри, шароитлари билан қизиқдик. Келажакда замонавий жиҳозланган мазкур таълим даргоҳида ўқиш ниятиданам.

«Очиқ эшиклар кун»и тadbрири доирасида талаба-ёшлар ижодиёти фестивали ҳам бўлиб ўтмоқда. Унда институт битирувчи талабаларининг уларни муносиб изла-найиш этилмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда санъатнинг барча йўналишларини рағбатлантириш, бу борада изланаётган ёш ижодкорларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори А.Маврулов. — Миллий санъатимизни рағбатлантириш, жаҳон маданияти дурдоналаридан халқимиз, айниқса, ёшларни кенг баҳраманд этиш мақсадида таълим масканимизда ҳам кўплаб танловлар, учрашувлар, ижодий фестиваллар ўтказилмоқда. Соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани уларни муносиб изла-нишга ундамоқда.

Фестиваль якунида турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

2015 йил 3 июнь, ЧОРШАНБА

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси ва унинг соҳа ривожига аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди.

• Наманганда «Баркамол авлод — Ватан таянчи» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Унда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, навқирон авлод камолоти йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув ва ўқув-методик ишларини ташкил этиш, меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш ва давлат аттестация комиссияси ҳимояларига тайёргарлик ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаш, уч томонлама шартнома тузиш ва имтиёзли кредитлар масаласига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

• Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган 64 хонадонли «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди. Миллий ва замонавий архитектура ечимлари асосида қад ростлаган бинода икки ва уч хонали квартиралардаги шароитлар ёш оилаларга манзур бўлмоқда.

• Андижонда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан 16 нафар маслаҳатчи ўз билим-малакасини намоийиш этди.

ЖАҲОНДА

• Енгил автомобилни ҳайдовчи бошқара олмаганлиги боис у Лос-Анжелес шаҳридаги аэропортнинг терминалига бориб урилди. Ушбу ҳодиса натижасида автомобилнинг ҳайдовчиси ва йўловчиси енгил жароҳат олган бўлса-да, бироқ машина уриб кетган 9 ёшли қизчанинг аҳволи оғир.

• Колумбияда амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 400 минг киши электр қувватидан узилиб қолди. Ҳозирда харбийлар Energia Pacifico SA компанияси билан ҳамкорликда электр қуввати узатилишини тиклаш ишларини амалга оширмоқдалар.

• Шимолий Американинг Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетика марафонида 92 ёшли Харриет Томпсон иштирок этди. У 42,16 километрлик масофани 7 соат 24 дақиқа давомида босиб ўтиб ўзига ҳос рекорд ўрнатди. Айтиш керакки, америкалик ушбу спортчи бундай мусобақаларда биринчи бор қатнашаётгани йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТИББИЁТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариб, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш ҳамда фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Тизимдаги мазкур фаолиятлар бугунги кунгача амалдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиниб келинмоқда. Айтиш лозим, ушбу қонун 1997 йилда қабул қилинган вақтда республикаимизда атиги 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин номдаги дори воситалари ишлаб чиқариш эди. Мазкур қонун билан республикаимизда фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солиниб, натижада бугун юртимизда соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 149 тага етиб, улар томонидан 1482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилапти. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилган бўлиб, уларнинг таркибида 8 та тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Шунга қарамай, вақт ўтиши билан соҳага кириб келаётган ўзгаришлар ва ислохотларда юз бераётган тараққиёт амалдаги қонуннинг айрим нормаларини сезиларли даражада янгиллашни тақозо қилди.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳаси даставвал Қонунчилик палатаси фракцияларида, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи йиғилишларида муҳокама қилиниб, тақлифлар олинди. Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи қонун лойиҳасини биринчи ўқишга киритиш олдидан фракцияларнинг нуктаи назарини ўрганди, уларнинг мазкур йўналишдаги тақлиф-мулоҳазаларини инобатга олди. Палатанинг навбатдаги ялпи мажлисида эса мазкур қонун лойиҳаси депутатлар, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирокида қизғин муҳокама қилинди.

— Ушбу қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу борада партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан

ҳолдаги фикрлар билдирилди, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси О.Эгамов. — Жумладан, фракция йиғилишида депутатлар қонун лойиҳасини ўта долзарб аҳамиятга эга эканлигига, унинг хусусий сектор ривожланишига қўшадиган ҳиссасига алоҳида тўхталди. Зеро, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида ишлаб-чиқариш салоҳиятини ошириш, хусусий фармацевтик корхоналар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, уларга кенг ва тенг шароитлар яратиш каби масалалар бу борада устуворлик касб этади.

— Муҳокамалар чоғида фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олиниши лозим бўлган масалалар мавжудлигини қайд этдилар, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси К.Тожиёв. — Фикримизча, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини халқaro стандартлар талаби билан уйғунлаштириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, қонуннинг айрим моддалари юзасидан тегишли тақлифлар берилди. Албатта, мазкур қонун лойиҳаси «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳаракат дастурига ҳамоҳанг тарзда аҳоли турмуш сифатини ошириш ҳамда жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)

Қонун яратиш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб, ҳар бир мамлакат уни самарали амалга оширишга интилади. Давлат ва жамият учун муҳим аҳамият касб этувчи мазкур вазифа олий вакиллик органи – қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан амалга оширилади. Зеро, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичини самарали ташкил этиш натижасида қабул қилинадиган қонунларнинг сифати, халқчиллиги ва ҳаётийлиги таъминланади.

Депутат ва бурч

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Айнан шунинг учун ҳам, ўтган мушкул тарихийимиз мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан барча соҳалар қатори қонун ижодкорлигининг сифатини такомиллаштиришга қаратилган демократик чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилиб, уларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс, жамият ва давлат манфаатларини қонунларда ифодашани мукаммал таъминлашга қаратилган қонунчилик жараёнини ташкил этиш механизми белгиланди. Икки палатали парламентнинг жорий этилиши демократик ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имкониятини янада кенгайтиришга, шу билан бирга қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини назорат қилиш соҳасида барқарор тизимнинг шакллантирилишига замин бўлиб хизмат қилди. Чунки, мазкур ислохотлардан қўзланган асосий мақсад давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида узро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумда давлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилнинг 12 ноябда қабул қилинган қўшма мажлисидаги маърузада илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» қонун ижодкорлигини амалга ошириш стратегиясини белгилувчи муҳим дастурга айланди. Зеро, мазкур Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шу билан бирга уларнинг қонунчилик базасини шакллантириш бўйича муҳим вазифалар илгари сурилган.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва

ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди.

Жорий йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишларидаги Президентимизнинг маърузаларида депутатларнинг сайловчилар билан ишлаши, парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишга қаратилган аниқ вазифалар олдимизга қўйилди.

Хусусан, парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш нуктаи назаридан, Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятига ҳолисона баҳо берилиб, янги сайланган депутатлар олдида турган вазифаларга тўхталиб, дастурий 8 та йўналиш белгилаб берилди.

Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йлга

ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари» Дастури тасдиқланди.

Ушбу Дастур Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари устувор йўналишларининг рўёбга чиқарилишини комплекс равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган.

Мазкур Дастурнинг амалга оширилиши албатта парламентнинг, депутатларнинг, шунингдек, сиёсий партияларнинг, улар фракцияларининг мамлакатимизни демократик янгиллаш ва модернизация қилишдаги, «Қучли давлатлар қучли фуқаролик жамияти сари» принципини рўёбга чиқаришдаги, иқтисодийнинг барқарор ва изчил ривожланишини, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатининг ўсишини таъминлашдаги, мамлакатимизнинг тараққий этган демократик давлатлар сафига кириши бораси-

да қўзланган мақсадларга эришишдаги ролини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлади.

Шунингдек, буларнинг барчаси парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишларидаги фаолиятини янада қучайтиришни, айниқса, қонунлар ижросини қуйидан бошлаб назорат қилишга қаратилган парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг барча механизмларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Қонунларнинг қуйи бўғинлардаги ижроси устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашда эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг маҳаллий кенгашилардаги депутатлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқида депутатларга мурожаат қилиб таъкидланганидек, «Менинг сизларга тилғим, давлатим шук, халқ вакиллари аввало курашчи бўлиши керак. Мана шу муқаддас замин учун, Мажлисининг ўзидан ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган.

Мазкур Дастурнинг амалга оширилиши албатта парламентнинг, депутатларнинг, шунингдек, сиёсий партияларнинг, улар фракцияларининг мамлакатимизни демократик янгиллаш ва модернизация қилишдаги, «Қучли давлатлар қучли фуқаролик жамияти сари» принципини рўёбга чиқаришдаги, иқтисодийнинг барқарор ва изчил ривожланишини, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатининг ўсишини таъминлашдаги, мамлакатимизнинг тараққий этган демократик давлатлар сафига кириши бораси-

Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

ТИББИЁТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида ҳам дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласига кенг эътибор берилган, – дейди фракция аъзоси **З.Акрамова**. – Албатта қонун лойиҳаси камчиликлардан холи эмас, айрим моддаларни қайта қўриб чиқиш зарур. Қонун лойиҳасида айрим нормаларнинг аниқ белгиланиши партиянинг сайловолди дастурига ҳамоҳанг тарзда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг ижтимоий муҳофазаси ва ҳуқуқий ҳимосининг қучайтирилишига олиб келади.

– Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида ҳам атрофича қўриб чиқилди. Палатанинг мажлисида ҳам депутатларимиз томонидан лойиҳани такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдирилди, – дейди фракция аъзоси **Р. Матқурбон**. – Дори воситаларининг ноқонуний айланishi, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, бу орқали фуқаролар саломатлигининг ҳимоясини қучайтириш, аҳолининг давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёжни қоплайдиган ҳажмда дори воситалари билан таъминлаш каби устувор вазифаларни қонун лойиҳаси нормаларида акс эттиришга ҳаракат қиламиз. Бу албатта партияимиз сайловолди дастурида белгиланган мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

– Мазкур қонун лойиҳасининг аҳоли саломатлигини сақлаш, фармацевтика саноатини ривожлантиришдаги аҳамияти катта, – дейди **Экоҳаракат депутатлар гуруҳидан сайланган депутат С.Жаббаров**. – Гуруҳ мажлисларида ушбу масала юзасидан муҳокамалар ўтказдик. Уларда қонун лойиҳасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли генофондидаги таъсири масалаларида гуруҳимизнинг муносабатлари шакллантирилди ва уни кейинги ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинишига ҳаракат қиламиз.

Муҳокамаларда депутатларни қизқитириган саволларига, уларнинг фикрларига мутахассисларнинг, ишчи гуруҳига жалб этилган экспертлар гуруҳининг муносабатлари билдирилди. Йиғилишларда айтилган барча фикр-мулоҳазалар, қўллаб-тақлифлар ва нуктаи назарлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида албатта инобатга олиниши таъкидланди ва масъул кўмига уни маромига етказиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

БЛОГЕРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

XXI аср глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет, халқаро макон ва халқаро бозорда тобора ўсиб бораётган рақобат асрига айланмоқда. Мазкур шароитда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда интернет-блогинг соҳаси ва блогерлик фаолиятини ривожлантириш, шиддат билан ўзгариб бораётган дунёни бошқариб бораётган ахборот алмашинуви даврида ижтимоий масъулиятли блогерларни рағбатлантириш мақсадида блогерлар чемпионати ташкил этилган.

Пойтахт бизнес марказида мазкур чемпионат голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакиллари, «UzInfoCom» давлат унитар корхонаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда фаол блогерлар иштирок этди.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий интернет маконини янада ривожлантириш, янги коммуникация технологияларини жорий этиш, интернет-ривож имкониятларидан фойдаланишда ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Аҳоли учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбаларида кенг фойдаланиш имкониятлари яратилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этилиб, интернет тармоғида махсус веб-сайтлар ишга туширилган.

Ташкил этилган навбатдаги блогерлар чемпионатининг биринчи босқичига жами 266 нафар блогернинг 319 блогпости тақдим этилди. Шундан 43 блогпост иккинчи босқичда қўриб чиқилди. Чемпионатнинг якуний босқичига 10 блогпост тақдим этилди.

Чемпионатда Махсуд Саломов биринчи ўринга лойиқ топилди. Азиз Қаршиев иккинчи, Носир Азизов учинчи ўринни эгаллади.

– Мазкур чемпионат совриндори бўлганимдан бахтиёрман, – дейди Н.Азизов. – Ўтказилган уч босқичда ўз блогпостларимни тақдим этдим. Ижодий ишларим асосан жамоатчилик фикри, айниқса, ёшларни ёт гоғлар ва «оммавий маданият» таъсиридан муҳофаза қилиш, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини асраш, ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар мавзуларига бағишланган.

«Ватанпарварлик мавзусида ёзилган энг яхши иш», «Ўзбекистонда ёшлар ҳаётини ёритган энг яхши блогер», «Ижтимоий муаммоларни ноодатий тарзда ёритган блогер», «Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган энг яхши блогер», «IT блог» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ



Оқил Ғуломов олган сурат

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида «Солиқ билимдонлари – 2015» кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида солиқ соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳўжалик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш ва ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Кўрик-танлов ёшларнинг солиқ қонунчилигига оид билимлари мустаҳкамлаш, уларни солиқ сийосатини янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти тўғрисида мунтазам хабардор қилишга ёрдам бераётган.

– Жамоамиз солиқ соҳасига доир қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўрганди, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Шаҳбоз Камолов. – Кўрик-танловда эгаллаган билимимизни ҳаётий мисоллар ва саҳна асарлари ёрдамида намойиш этдик.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари баҳоланишда уларнинг мамлакатимизда шакллантирилган қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хўсурий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароит, солиқ имтиёз ва преференциялари, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги билимлари муҳим мезон бўлди.

Тадбир якунига кўра, Тошкент давлат аграр университетининг «Агроислохотчи» жамоаси голиб бўлди. Солиқ академиясининг «Интеллектуал ёшлар» жамоаси иккинчи ва Тошкент молия институтининг «Солиқ билимдонлари» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Голиб ва совриндор жамоалар, шунингдек, фаол иштирокчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М.ҚАШИБОВЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Маълумки, «Банкротлик тўғрисида»ги қонунда шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида алоҳида қайд этилган.

КОРХОНАЛАР МОНИТОРИНГИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Унга кўра, шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш, агар қарздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича тегишли мажбурият мазкур мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар бўйича мазкур мажбурият бошланган кундан эътиборан олти ой ичида бажарилмаган бўлса, башарти қарздорга нисбатан билдирилаётган талаблар энг кам иш ҳақининг камида беш минг қарраси миқдорини ташкил этса, ҳўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Корхоналарни шахарни ташкил этувчи корхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган корхоналар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш қўрилаётганда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора, ҳўжалик бошқаруви органи ишда иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилади.

Қонуннинг айни шу мазмундаги моддаси ҳамда Президентимизнинг 2013 йил 15 июлдаги «Қонунларнинг ҳаволали нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори талабларидан

келиб чиқиб, 2015 йил 30 апрелда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Корхоналарни шахарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналар жумласига киритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Низомга мувофиқ, ходимлари, уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигининг сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс шахарни ташкил этувчи корхона ва унга тенглаштирилган корхона ҳисобланади.

Алоҳида кўрсатиб ўтилганидек, шахарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналарни бу йўналишдаги реестрга киритиш учун бир нечта босқичдаги чора-тадбирлар амалга оширилади ва ушбу реестрнинг юритиш Давлат рақобат қўмитаси зиммасига юклатилган. Корхоналарни мазкур реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Давлат рақобат қўмитасига корхона ходимларининг сони, уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этишини тасдиқлайдиган маълумот туман (шаҳар) ҳокимликлари, давлат статистика ҳисоботлари маълумотларига кўра, ишловчиларнинг ўртача йиллик сони камида уч минг кишини

Анжуманлар

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК САРИ

Кишилар саломатлигини сақлаш, муҳофазалаш ва турли касалликларнинг олдини олишда дори-дармон воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси раиси Абдуғани Комилов ва бошқалар халқимизни сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш, фармацевтика саноатини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берди.

Бугунги кунда компания таркибига кирувчи 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхонаси, бир минг уч юздан ортқ дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Аҳолига дори-дармон етказиб бериш ва уни сифатли сақлаш мақсадида замон талабларига жавоб берадиган омборхоналар, логистика марказлари бўлимоқда, айримлар ўз фаолиятини бошлаган.

Жумладан, шахримизда дунё стандартларига мос келадиган фармацевтика омбори, Гулистон шаҳрида логистика маркази қуриб битақилди.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан ўн тўртта махсус жиҳозланган «SUZU» русумли изометрик автофургонлар, 50 та «Damas» автомобиллари вилоятларнинг чекка ҳудудларида истикомат қилувчи аҳолига дори-дармон маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида бир миллиард сўмдан ортқ дори воситалари, тиббиёт анжомлари савдоси амалга оширилди. Компания маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга таъбиқ этишда ҳам кенг қўламадаги фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳридаги «Integra DB» масъулият чекланган жамиятида ўн турдаги сифатли дори воситалари ишлаб чиқарилимоқда. Натижада юзлаб иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда компания томонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни қўпайтириш, халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан самалар ишлар амалга оширилмоқда.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиз аҳолисини сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг юртимиздаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сақлаш, ташини, сотувга чиқариш, қўллаш ва бошқа босқичлар меъёrlаштирилган ва ушбу жараён мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда.

Анжуман фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Гулигор САТТОРОВА

ташкил қиладиган ташкилотлар тўғрисидаги ҳамда тегишли аҳоли пунктларидаги аҳоли сони ҳақидаги статистик маълумотлар Давлат статистика қўмитаси, ҳўжалик судлари ва бошқа давлат органлари сўрови бўйича корхонанинг давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини сақлашни таъминлашини тасдиқлайдиган маълумот Мудофаа вазирлиги, корхонанинг табиий монополия субъекти эканлигини тасдиқлайдиган маълумот эса Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан тақдим этилади.

Ҳужжатда алоҳида қайд этилганидек, ушбу маълумотни қўриб чиқиш ва корхоналарни реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда уларни реестрдан чиқариш учун Давлат рақобат қўмитаси томонидан тегишли комиссия тузилади. Комиссия тушган маълумотларни ва уларга илова қилинган материалларни бир ой муддатда қўриб чиқади, унинг натижалари бўйича корхонани реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Реестрга киритилган корхоналар мониторингини доимий равишда амалга ошириш Давлат рақобат қўмитаси зиммасига юклатилган. Корхоналар мониторингини натижаларига кўра, тегишли мезонлардан бирортасига ҳам жавоб бермайдиган корхона аниқланган тақдирда, қўмита томонидан комиссия билан биргаликда уни реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Низомда реестрдан қўчирмани ҳўжалик судлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар сўровига биноан, ушбу сўров олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда берилиши ҳам белгиланган.

Умуман, мазкур қарор асосида шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналарнинг алоҳида рўйхати ва унинг мониторингини юритиш имконияти яратилади.

Б.БЕКМАТОВ,
Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг «Банкротлик, ташқи бошқарув ва суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш масалалари» бўлими бошлиғи

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шайх Шиблий номидаги маҳаллада барпо этилган замонавий болалар ўйин майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва «Логос» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Обод маҳалла — соғлом бола гарови» грант дастури доирасида амалга оширилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, экологик таълимни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги давлат дастурларида белгилаб берилган вазифалар ҳамда бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлашга нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари фаол жалб қилинмоқда.


«Обод маҳалла — соғлом бола гарови» лойиҳасидан қўзланган мақсад фуқаролар йиғинларининг эко-

логия ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссиялари фаоллари иштирокида ҳудудларнинг экологик ва санитария ҳолатини яхшилаш, болалар соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган маҳаллий ҳаракатлар режаси тажрибасини оммалаштириш, шунингдек, ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

— Асосан кўп қаватли уйлاردан иборат маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Шайх Шиблий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шомухит Шомансуров. — Кўп йиллардан буён қаровсиз ётган жойда кўркем ўйин майдончаси барпо этилиши болала-

римизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, бўш вақтини сермазмун ўтказиши учун шароит яратишга қўлмай, атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишига ҳам хизмат қилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида аҳоли фаоллигини ошириш, узлуксиз экологик таълим-тарбия тизимига кўмаклашиш, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларига услубий ва амалий кўмак кўрсатиш, атроф-муҳит муҳофазаси нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг энг муҳим вазифаларидан саналади. «Логос» нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа ҳам ушбу мақсадларга муштаракдир.



Темур Мамадаминов олган сурат

Тадбирда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши йўлида кўрсатилган чексиз ғамхўрлик ва унинг самаралари ҳақида сўз юритилди. Болажонларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари улашилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан «нол» харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очiq танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги	Объектнинг тавсифи	Мажбуриятлар			
						Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори(млн. сўм)	Объект негизда ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестицияни бажариш муддати(йил)	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони(дона)
Тошкент шаҳар Бектемир туманида жойлашган объектлар									
1	Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар	Бектемир тумани, Бинокор кўргони	Бектемир туман ҳокимлиги	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Фундаменти бетон	46 000	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	3	250
Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган объектлар									
2	Собиқ 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо базаси мулкый мажмуаси	Сергели тумани, Олтин Водий 2-тор кўчаси, 59-уй	Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	Давлат рақобат кўмитаси	Фундаменти бетон, деворлари ғишт	170 000	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	3	300
3	Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси	Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси	«Ягона буюртмачи хизмати» ИК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Фундаменти темир-бетон	3 500	Турар жой биносини барпо этиш	2	10
4	Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси	Сергели тумани, Сергели 5-мавзеси	«Ягона буюртмачи хизмати» ИК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Фундаменти темир-бетон	3 500	Турар жой биносини барпо этиш	2	10
5	Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси	Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси, Хонобод кўчаси	«Ягона буюртмачи хизмати» ИК	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	Фундаменти темир-бетон	4 000	Турар жой биносини барпо этиш	2	10

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг, кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарт билан «нол» харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кейинки олд-соти шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун оғзи муҳрлаб қўйилган таклифлар (конвертларда) ушбу эълон берилган пайдан бошлаб ҳар иш кунлари 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача қабул қилинади ҳамда 2015 йил 3 июль соат 18-00да тўхтатилади ва танлов бўлиб ўтганда оммавий ахборот воситаларида олдидан эълон қилинган санасидан ва конвертларни очиб вақтидан икки иш кунин олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2015 йил 7 июль кунин соат 15-00 да Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносининг 2-қаватидаги мажлислар залида очилади, шунингдек, танлов савдоси ушбу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар ҳар ойнинг биринчи ҳамда учинчи сешанба кунлари соат 15-00да бўлиб ўтади.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100160, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16 а-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманомга тақдим этади:

— танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

— нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

— бизнес-режа ва уни бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилган махсулот турлари ёхуд кўрсатилган хизматлар рўйхати ва улар-

нинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйилган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан инвестиция киритиш режаси;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этиладиган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулк объектини ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари.

Талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100160, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16 а-уй. Маълумот учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83, 233-74-72. Факс: 233-74-72. Интернет тармоғидаги веб-сайт www.gkktashkent.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан муҳофазаланидиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг 259-21-37 ёки Тошкент шаҳар бошқармасининг 233-21-52 рақамли Ишонч телефонлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 233-78-23 телефон рақамларига хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунин

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати, инъоми ва марҳаматидан доимо баҳраманд бўлади. Шу боис, инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан атроф-муҳит муҳофазасига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Лекин инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида бир қатор экологик муаммолар келиб чиқди. Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламнинг емирилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, нафақат она табиатга салбий таъсир ўтказди, балки жамийи мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта ҳавф солиб келмоқда. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига, чақалоқларнинг нуқсонлар билан дунёга келишига сабаб нима? деган савол туғилади. Тараққиёт, фан ва техника ривожини, сановат, автотранспортнинг кўпайиши, табиий бойликларнинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши табиатга нисбатан таъсирни юқори даражага етказди. Натижада атроф-муҳитнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланиш муаммоси келиб чиқди ва бунинг оқибатида атмосфера ҳавосининг бузилиши кучайиб бораётган. Бу эса турли хил касалликларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда. Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишининг 70 фоиздан ортиғи автотранспортлар ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга кўра, шаҳар атмосфера океан устидаги атмосферага нисбатан 150 марта ифлосланган экан. Шундан кўриниб турибдики, инсон саломатлигига таъсир этадиган турли хил касалликларнинг 65 фоизи атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигидан юзага келмоқда. Масалан, шаҳарлар ва сановат туманларида кишилар ўртасида суронкали бронхит, нафас қисилиши ва ўпка раки касалликларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Агар ҳавода олтингургурт оксиди, кўп тўпланиб қолса, кишиларда бронхит, гастрит, ўпка касалликлари вужудга келади. Углерод оксидининг ҳавода кўпайиши натижасида киши организмиде гемоглобин камаяди, юрак қон-томир тизимлари бузилади, бош айланади, юрак тез уриб, уйку бузилади. Водород сульфид газининг ортиб кетиши натижасида одамларнинг боши оғрийд, қайт қилади, дармонсизланади, хид билиш қобилияти заифлашади, фтор бирикмалари таъсирида бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади.

Шаҳарда инсон соғлиғи учун зарарли атмосфера ҳавосидан кейин салбий таъсир қилувчи иккинчи омил бу шовқиндир.

Катта шаҳарлардаги шовқин инсон умрини ўртача 8-12 йилга қисқартиради. Модомики, атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришлар инсон соғлиғига зарар етказаятган экан, келиб чиқаётган зарарларнинг олдини олиш чораларидан бири атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдир. Усимликлар атроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайдиган, шамол кучини ва шовқинни пасайтиради. Ҳавонини тозалаш, ҳароратни мўтадиллаштириш, шунингдек, инсонлар соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Шундай экан, атроф-муҳит озодлигини сақлашнинг чораларидан бири — аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириш боришдир. Бу албатта, келажак авлоднинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсишини таъминлайди.

Мадина МУСАЕВА,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти услубчиси, шифокор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


«KOHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Uzbekidrogneerogorilish» АЖнинг 2015 йил 17 апрелдаги 35-сонли буйруғи ва «Maxsusenergomontaj» унитар корхонасининг 2015 йил 29 майдаги 63-сонли буюртманомасига асосан, «Maxsusenergomontaj» унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоқ кўчаси, 42-уй манзилдаги 3,583 га бўлган ер участкаси умумий майдони 1048,0 кв.м бўлган литер 0001-таъмирлаш механизми цех биноси, умумий майдони 82,0 кв.м бўлган литер 0007 ёқилги (ГСМ) сақлаш омбори ва умумий майдони 11,0 кв.м бўлган литер 0008 ёқилги (ГСМ) сақлаш омбори қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 465 579 301 сўм.**

Савдо 2015 йил 6 июль кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 2 июль кунин соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 6 июль кунин сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 13, 20 ва 27 июль кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 13 июлдаги савдо учун 9 июль кунин соат 18:00; 20 июлдаги савдо учун 16 июль кунин соат 18:00; 27 июлдаги савдо учун 23 июль кунин соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 (ўн) иш кунин ичида сотувчи билан олд-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олд-соти шартномаси тузилганда белгиланади. Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АЙКБ «Ипак йўли банки» Саёгон ф-лдан: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 2017122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.tkms.uz. Лицензия RR-0001.



Елкин Шамсиддинов оқлаб суратлар

Тошкентда «Мода ва дизайн – 2015» халқаро мода фестивали очилди. Унда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг таниқли дизайнерлари, етакчи мода ва дизайн мактаблари вакиллари иштирок этмоқда.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

Тадбирнинг очилиш маросимида пахта толасини қайта ишлаш бўйича бой анъаналарга эга тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноати мамлакатимиз макроектисодиёт комплексидида мустахкам ўрин эгаллаб келаётгани таъкидланди. Қўлай инвестиция муҳити ва самарали ҳуқуқий база мавжудлиги натижасида энгил саноат корхоналари салмоқли ютуқларга эришмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, соҳада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиз, халқ истеъмоли товарлари 21,2 фоизга ўсди. Айни пайтда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 30,1 миллион долларни ташкил этиб, қиймати 194,1 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ва уларни халқаро бозорга чиқариш масаласи соҳадаги муҳим масалалардан биридир. Буларни эътиборга олган модельерларимиз корхоналарда янги намунадаги маҳсулотларда ўз гоёларини мужассамлаштириб, замонавий либослар яратмоқда.

Уларнинг ақарияти «Мода ва дизайн – 2015» халқаро фестивалида намойиш этилаётди. Ушбу ўзига хос лойиҳа миллий

мода ва мода саноатини янада ривожлантириш, янги номларни кашф этиш, ёш дизайнерлар ва соҳага алоқадор ижодкор сулоаларга кенг имкониятлар яратиш, янгидан-янги матолар ва аксессуарлар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Янги саноат коллекцияларини яратиш мақсадида Европа ва Осиёнинг етакчи дизайнер мактаблари ва компаниялари аниқликлари аниқлаштириш ўзбек дизайн мактаби билан уйғунлаштириш халқаро фестивалининг асосий концепциясига айлангани ҳам бежиз эмас.

Фестивалда Жанубий Корея, Сингапур, Италия, Франция ва бошқа мамлакатлардан дизайнер ва экспертлар иштирок этаётди. Улар иштирокида ташкил этилган семинар-тренингларда мамлакатимиз модельер ва стилистлари, мода саноатининг бошқа вакиллари соҳанинг таниқли усталари билан мулоқот қилиш, ўзарани қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Фестиваль доирасида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари юқори малакали мутахассислар тажрибасини ўрганиш, фикр ва таассуротлар билан ўртоқлашиш имконини беради. Фестивалнинг биринчи кунда иштирокчилар япон тикувчилиги услуби, жумладан, дизайни, бичими, ма-

толари билан танишди, шунингдек, бежирим либос яратиш бўйича Жанубий Корея услубиятини ўрганди. Шунингдек, Италия ва Франциянинг таниқли дизайнерлари томонидан «Мухташам дизайн» ва «Made in Italy. Гўзаллик эстетикаси» ва «Мода тенденцияси – 2016» мавзуларида семинар-тренинг ўтказилди.

Халқаро мода ва дизайн фестивали ранг-баранг тадбирлари билан ёрқин таассурот қолдирмоқда, – деди Тағу шаҳри дизайн ва мода институти профессори Ким Ин Ог (Жанубий Корея). – Биз семинар-тренинг ва маҳорат сабоқларида иштирок этиб, моданинг миллий ва замонавий услублари, йўналишларини муҳокама қилдик. Ушбу тадбир ёш ўзбек дизайнерларнинг интилувчанлиги ва изланувчанлигини яна бир бор намойиш этди.

Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирда «Ўзбеккиносаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ва мамлакатимизнинг таниқли дизайнерлари томонидан яратилган бежирим либослар намойиш этилди. Эркалар, аёллар ва болалар учун мўлжалланган байрамона ва кундалик либослар муҳлислар эътиборига ҳавола қилинди. Турфа ранг, нақш ва бичимлар мутаносиблиги халқимизнинг бой маданий мероси ва гўзал-

лиққа интилишдан далолат беради.

Ўзбекистон ноёб нақш ва ранглар билан безатилган либослар дизайнини тайёрлаш, уларни қўлда ва машинада тикиш борасида ўз анъаналарига эга, – дейди «Coralie Amsellem» компанияси дизайнери Бриоллин Кристофе (Франция). – Шу боис мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзаро ҳамкорлик ўзбек миллий нақшлари туширилган ўзига хос янги матолар коллекцияларини яратиш имконини беради.

Фестивалда халқаро дизайнерлар, жумладан, «Frank Boclet» ва «Francsorbie» брендларининг (Франция) эркалар либослари коллекциялари, «Incanto» компанияси (Италия) трикотаж кийимлари, дизайнер Seta Ichigo (Япония) ва бошқаларнинг турли маҳсулотлари намойиш қилинди.

Тошкент мода ва дизайн фестивали ўзбек дизайнерларининг жаҳон сахнасига чиқиши учун яна бир имкониятдир, – деди «Setaichiro» бренди дизайнери ва асосчиси Сета Ичиро (Япония). – Бундай кенг қўламли тадбир мода ва дизайн соҳасида халқаро тажриба алмашиш имконини беради. Фестиваль Ўзбекистон миллий брендини халқаро миқёсда шакллантириш ва намойиш этиш борасида ўзига хос имконият яратди.

Фестиваль миллий мода ва дизайн соҳасини юксалтириш, дизайнерларимизнинг халқаро даражага чиқиши, миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, шунингдек, соҳада халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим воқеага айланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Кўргазмалар

ОЛИС ЮЛДУЗ ЖИЛВАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Мадина Қосимбоевнинг «Олис юлдуз жилваси» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, бугунги кунда унутилган Тошкент каштачиликни тиклаш, меҳмонларга ижодий-экспериментал ишларни намойиш қилишдан иборат.

Кўргазма экспозициясидан Тошкент каштачилик мактабини тиклаш йўлида олиб борилган икки йиллик меҳнат натижаси-

да юзага келган йирик ҳажмли кашталар билан бир қаторда, тажриба тариқасида яратилган либослар ҳамда хона интерьерини безашда қўлланилган аксессуарлар М.Қосимбоевнинг ишлари яқини сифатида тақдим этилган.

Бадий диди ва маҳоратининг юксаклиги Мадинага каш-

тачилик буюмларини нафис ва сифатли яратишга имкон беради. У буюмлари композицияларининг мутаносиб ва аниқлиги, чокларнинг батарибиги ҳамда ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор бермоқда.

Қўлда тикилган мато ҳамда табиий бўёқ, юқори сифатли ипак ипларидан фойдаланиш унинг ижодига хос муҳим белгидир.

Мохигул ЗАЙЛОБИДДИНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

Меҳрга ташна етим болажонларнинг ҳаётдан ўз ўринларини эгаллашлари, билим олишлари, касб-хўна ўрганишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари мақсадида юртимизда кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

Куни кеча Республика Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» халқаро хайрия болалар жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонлар иштирокида расмлар

кўргазмаси уюштирилди. Унинг иштирокчилари – она табияти, Ватани акс эттирган расмлар кўргазмасини ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этишди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Республикамиз таълим муассасаларида сўнгги қўнғироқлар чалиниб, ёш фасли бошланиши биланоқ эндигина таътилга чиққан жажжи болажонларнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари одатдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида энг баҳаво, соя-салқин бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кечади.

Таътилнинг сермазмун, қувноқ ва завқли ўтиши учун барча дам олиш оромгоҳларида етарли қўлайликлар яратилган. Шунингдек, уларнинг сўлим оромгоҳларда спорт билан шуғулланишлари, турли йўналишлардаги тўғрақларга қатнашишлари ва мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бинобарин, болаларнинг хавфсиз, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун масъул бўлган мутасадди идоралар билан ҳамкорликда айни пайтда уларнинг хавфсизликларини таъминлаш борасида Фавкулда вазиятлар вазирлиги ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан қатор муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилган.

Бу йилги мавсумда пойтахтимиз корхона ва идоралари тасарруфидида Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида жойлашган 24 та соғломлаштириш ва дам олириш масканлари жажжи кичкинтойларни қўтиб олишга шай турибди.

Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари томонидан 2015 йилнинг ёш мавсумида Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида фаолият олиб боровчи 24 та лагерлар раҳбарлари оромгоҳларда юзага келиши мумкин бўлган фавкулда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этишда тўғри қарор қабул қилиш, болаларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш ишларини ташкил этиш, фавкулда вазиятларда тўғри

ҳаракат қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши масалалари бўйича 7 соатлик ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтказилди. Бундан ташқари, оромгоҳ-

Шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ОРОМГОҲЛАРДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

ларни ФВВ ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси асосида тайёрланган диск, шунингдек, «Снижение ущерба от землетрясения», «Правила поведения на территориях, подверженных селевой угрозе и угрозе оползней» рисолалари, «Хаёт фаолияти хавфсизлигининг асослари» плакатлар тўплами (альбом), оромгоҳда «Фуқаро муҳофазаси кўни»ни ўтказиш бўйича намунавий сценарий ва тоғли ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган фавкулда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш мавзуларига бағишланган кўргазмалар плакатлар, эслатмалар ва услубий қўлланмалар билан жиҳозлаш талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди гўшаларига кўнгилли ҳордиқ чиқаришга келган болажонларимизнинг хавфсизли-

гини таъминлашга масъул бўлган оромгоҳ раҳбарларини фавкулда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шу боис, Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси офицерлари, хизматчилари ва мутахассислари томонидан 7 соатлик дастур асосида 24 нафар оромгоҳларнинг раҳбарлари ва тарбиячилари ўқитилди.

Назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлган ўқув машғулоти раҳбарлар бошқармасининг ўринбосари – Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи подполковник Хусан Бобонов, Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи капитан Элёр Аҳмадалиев, бўлими бошлиғи катта лейтенант Шерзод Аҳмедов ва хизматчилар Мохиди Асқаров ҳамда Мавсуда Эргашевалар иштирокида олиб борилди.

Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида биз тингловчилар 7 соатлик дастур асосида муайян кўникмалар ҳосил қилдик. Энг муҳими, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлиги, фавкулда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлиги, аҳолини эвакуация қилиш қоидалари ҳамда жабрланганларга шошилинч тиббий хизмат кўрсатишнинг айрим усуллари ҳусусида етарли маълумотларга эга бўлдик, – дейди «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясига қарашли «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Зулайхо Эргашева.

Машғулот якунида барча оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячиларига ўқув машғулотида қатнашганлиги тўғрисида ғувоҳномалар топширилди.

Азамат СУЙОНОВ

Осиё чемпиони — 2015

РЕГБИЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилоятидаги «Дўстлик» стадионида регби бўйича Осиё чемпионати III дивизион баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз Регби федерацияси ва Осиё регби уюшмаси (ARFU) ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада Ўзбекистон ва Хиндистон терма жамоалари ўзаро баҳслашди.

Осиё регби уюшмаси Ихроия қўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда Осиё қитъасида мазкур спорт турини янада ривожлантириш масалалари ва истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро регби кенгаши мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон регби федерацияси раиси С.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорлар ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш билан бирга юртимизда қатор спорт турлари, жумладан, регбининг ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидланди.

Юртингизнинг бой тарихи, меҳмондўст халқингиз, мустақиллик йилларида қўлга киритаётган ютуқларингиз ҳақида кўп эшитганман, – дейди Халқаро регби кенгаши президенти Бернард Лапассет. – Мамлакатингизда барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал тараққий этаётгани, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг барча қатлами – умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан олий ўқув юрлари талабаларигача ўзига қамраган ноёб тизимнинг йўлга қўйилгани тахсинга лойиқ.

Анжуманда мамлакатимизда регбининг янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги нуфузли мусобакаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Регби бўйича Осиё чемпионати III дивизион баҳсларининг иккинчи ўрашувида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари хиндистонлик рақибларини 32:15 ҳисобида мағлубиятга учратди ва Осиё чемпионатининг II дивизион баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти 2014-2015 ўқув йилига «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири ва қўйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): «Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Банк ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молия» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Пенсия иши» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Баҳолаш иши ва инвестициялар» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Солиқлар ва солиққа тортиш» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Иқтисодиёт назарияси» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Касбий таълим» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бухгалтерия ҳисоби» доцент, катта ўқитувчи; «Бизнес ва тадбиркорлик» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Суғурта иши» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимлариغا

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган, чет тили ва компютер техникасини мукамал ўзлаштирган, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел.234-83-99
959-33-79

Ректорат



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

35-37 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,
4 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити кунги ҳаво ўзгариб туради, шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қоллишига имконият яратилдида шамол эсади. Ҳарорат ди, ифосиланиш даражаси кечаси — 20-22, кундузи — наст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
11711 нусхада босилди.
Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Тошпириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ